

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРДА ИЛОН КУЛЬТИ

Файзиева Дилфуза Олимовна

НавДУЎзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Аннотация: Ушбу мақолада Туркий халқлар зоомифологиясида етакчи семантик мазмун касб этадиган поэтик тимсоллардан бири - илон култи ҳақида сўз боради. Илонга эътиқод ва сиғиниш ҳам шундай тасаввурлар ва ҳаётий жараённинг ҳосиласи сифатида ташкил топган ва у илон култининг пайдо бўлишига олиб келган.

Аннотация: В данной статье рассматривается один из поэтических символов, имеющий ведущее семантическое содержание в зоомифологии тюркских народов – культ змеи. Вера в змею и поклонение ей сформировались как продукт таких представлений и жизненных процессов, которые привели к возникновению культа змеи.

Abstract: This article discusses one of the poetic symbols that has a leading semantic content in the zoomythology of the Turkic peoples - the cult of the snake. Belief in and worship of the snake were formed as a product of such ideas and life processes, which led to the emergence of the cult of the snake.

Калит сўзлар: Мифология, тотем, кулът, анимизм, сўз магияси, туркий халқлар, туркий муштараклик, поэтика.

Ключевые слова: Мифология, тотем, кулът, анимизм, магия слова, тюркские народы, тюркская общность, поэтика.

Key words: Mythology, totem, cult, animism, word magic, Turkic peoples, Turkic commonality, poetics.

Фольклор асарлари халқ дунёқарашининг бадиий сўз воситасида ифода этилган ўзига хос талқинларидан бири бўлиб, аждодларимизнинг дунёқарашлари ва ҳаёт ҳақиқатини поэтик идрок этиш асосида юзага келган ижодий салоҳияти маҳсулидир. Жаҳондаги барча халқлар ижодиётининг замини бевосита мифологияга бориб тақалади. Эзгулик ва ёвузлик орасидаги абадий тўқнашув ҳамда бу курашда ёвузликнинг мағлуб бўлиши ва эзгулик кучларининг муқаррар ғалабасига бўлган ишонч мифологик тасаввурларнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Мифологик қарашлар қадимги одамнинг фаолияти ва дунёни англаш, ҳаёт маъносини теранроқ тушуниш йўлидаги изланишлари натижасида юзага келиб, шаклланган кўҳна эътиқодлар тизимидир.

Қадимги одам ўзини ўраб олган моддий оламнинг табиий сир-асрорларини билмаган, шу боис ҳам ҳар бир табиий ҳодиса ёки оламдаги жонли ва жонсиз

нарсаларни онгсиз ҳолда мифологик тасаввурлар мезони билан баҳолашга ҳаракат қилган. У табиатдаги ҳар бир нарса, жонивор ёки наботот оламининг ҳаракати, ўзаро муносабатини кузатар экан, уларни инсонга қийинлаб, баъзи бир ўхшаш томонларини аниқлайди, ниҳоят ўзи билан табиат бир нарса эканлигини кузатади ва ўзига хос хусусиятларни бутун табиатга кўчиради.

Бундай анимистик, тотемистик тасаввурлар ва магия билан боғлиқ тушунчалар, ибтидоий маросим ва одатлар фольклор асарларида ўзига хос эпик мотив, шунингдек, жуда кўп тимсолий образларнинг юзага келишига тарихий асос бўлган.

Ибтидоий одам тасаввурида тимсолий моҳият касб этган парранда ва даррандалар тўғрисидаги халқ қарашлари негизида кейинчалик зоолатрик мифлар ҳамда жониворларнинг мифологик образлари шаклланган. Диннинг дастлабки намунаси табиатга эътиқод шаклида юзага келган. Диннинг табиатга эътиқод шаклидаги кўрinishлари асосан борлиқ оламдаги нарса-ҳодисаларга ишонч ва инонч заминидан келиб чиқадиган ҳаракатни қамраб олган.

Жамият тараққиёти жараёнида ҳар икки хусусият, яъни инонч ва ҳаракат тенг ривожланган ҳолда динни, эътиқодни вужудга келтиради. Эътиқодий қарашларни ифода этувчи ҳаракат натижасида юзага келган махсус шакллар эса сиқиниш объектини келтириб чиқарган.

Илонга эътиқод ва сиқиниш ҳам шундай тасаввурлар ва ҳаётий жараённинг хосиласи сифатида ташкил топган ва у илон культининг пайдо бўлишига олиб келган.

Ўзбек фольклоридаги эпик жониворлар образининг тарихий асослари бевосита туркий халқлар ва у орқали Осиё халқларининг мифологияси билан боғлиқ.

Туркий халқлар зоомифологиясида етакчи семантик мазмун касб этадиган поэтик тимсоллардан бири - илон культидир. Дастлаб туркий халқлар мифологиясида парранда ва даррандалар билан боғлиқ эътиқод ва сиқинишлар шаклланган. Хусусан, эътиқод доирасида алоҳида аҳамият касб этган ҳайвонларни муқаддаслаштириш ҳам ана шундай қадимий анъаналардан бири бўлган. Бу ҳодиса қадимги одамнинг ўзини табиатдан ажратмагани ҳолда айрим жониворларга эътиқод қўйиши натижасида юзага келган, ҳатто баъзи бир туркий қавмларнинг аجدодлари ўзларининг у ёки бу ҳайвон, парранда ва наботот олами билан қон-қардошлик алоқалари борлигига ишонганлар, эътиқод қилиб муайян жониворларга топинганлар, тотем сифатида сиқинганлар.

Даставвал инсон илонга бўлган эътиқодларини кўчма маънода баён қилишга ҳаракат қилган. Шу маънода турли хил маросимларда тотем ёки культ саналган илон терисини ёпиниб ритуал рақсларга тушганлар. Бу жараён эпик фольклор намуналарида рамзийликнинг илк намуналарини юзага келтирган. Ўар

бир рамзий ҳаракат у ёки бу ҳайвонга топиниш, илонни муқаддаслаштириш, унинг ҳомийлик қилиши ёки мададига эришиш каби мақсадларни адо этган.

Туркий халқлар мифологиясида мавжуд бўлган ҳамда қадимги одамлар томонидан тотем ва культ сифатида қаралган жониворлар қаторида илон (аждар) алоҳида ўрин тутди.

Туркий халқларнинг қадимги бобокалонлари тотем ҳисобланган жониворлар қаторида илонни ҳам бирор бир уруғнинг аجدодбошиси деб билганлар. Шунинг учун ҳам тотем саналган илон муқаддаслаштирилган, илоҳий қудратга эга деб топилган, айна пайтда уни ейиш, ўлдириш, ҳатто озор бериш мумкин бўлмаган, унга зиён етказиш таъқиқланган. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги жой номларининг Илончи Илонма, Илонсой, Илонўтди каби топонимлар билан аталиши ҳам бежиз эмас. Бу атамаларнинг келиб чиқиши ҳам мазкур эътиқодлар билан боғланади.

Фольклоршунос П.В.Соколованинг таъкидлашича "... ҳар бир овчилар гуруҳи ўзининг асосий ов жониворига эга бўлган ва ўзлари кўп овлайдиган ҳайвонни тотем сифатида қабул қилган".¹

Туркий халқлар мифологиясида эса тотем саналган жонивор истеъмол қилинмаган, аксинча уни ейиш, ўлдириш манъ этилиб, муқаддаслаштирилган. Бошқа халқларда бўлгани каби илон тотеми кейинчалик анимистик дунёқараш таъсирида культлаштирилган, эзгулик тимсоли сифатида эъзозланган.

Анимик эътиқодларга кўра, илон номи билан аталган уруғ ёки қабиладошлардан бири нобуд бўлса, унинг жони илон шаклига киради, аниқроқ жон бир танадан чиқиб, иккинчи бир жисм ёки ҳодиса сифатида яшашни давом эттиради. Демак, марҳумнинг жони илонга айланади, илон эса ўша одамнинг арвоҳи деб қаралган. Анимик тушунчага кўра ибтидоий одамлар ҳамма нарсанинг жони бор, шунинг учун одам ўлгач, унинг жони охир-оқибатда ўз тотем ҳайвонига айланиб кетади деб ишонганлар. Ҳатто у ёки бу жониворни кўриб, у аслида одам эди деб ҳисоблашган ва унга сиқинишган, мадад сўраб ёлворишган.

Масалан, бир пайтлар Қорақалпоғистонда муқаддас балиқ ўлганда уни кафанлаб кўмишган, бунинг сабабини сўрашганда, у фақат ташқи томондан балиқ эди деб жавоб қайтарганлар.²

Илонни эзгулик тимсоли сифатида эътироф этиш билан боғлиқ мифологик қарашлар туркий халқлар орасида турли ирим-сирим ва инончларни юзага келтирган.

¹ Соколова З.П. Культ животных в религиях.- М.: Наука, 1972.-С.30.

² Соколова З.П. Культ животных в религиях.-М.: Наука, 1972.-С.180.

Қирғизлар эътиқодича, оқ илон муқаддаслаштирилган, уни ўлдириш катта гуноҳ ҳисобланган. Агар оқ тусли илон уйга кирса, унинг устига сут сепиб, уйдан чиқиб кетишини кутиб турганлар.³

Ўзбеклар эса бундай илоннинг устига оқ ун сепиб эркалашган. Унинг илтифот кўрсатишини сўраб мурожаат қилишган. Ривоятларга кўра, илон бир замонлар чиройли қиз бўлган эмиш. А.Қодировнинг қайд қилишича, Хуф водийсида яшовчи тожиклар олачипор тусли илонларни мусулмон деб билганлар. Ўатто Тожикистондаги Шаҳартуз деган жойда илон мозори ҳам бор дейдилар⁴.

Қадимги туркий халқларда, умуман ҳозирги туркий халқларнинг ҳам кўпчилигида илонга озор бериш манъ қилинган.

Масалан, туркманларда агар илон ўлдирилса, уни дарҳол кўмиш керак, чунки унинг жуфти ўша шериги шикаст топган жойга келади ва жуфтининг жонига қасд қилган кишини чақиб ўлдиради деб тасаввур қилинган. Ўлдирилган илоннинг жуфти айнан ўша ерга кела олиши зоолог олимлар томонидан ҳам исботланган. Маълум бўлишича, илонларнинг пешонасида махсус безлари бўлиб улар ўзидан ҳид чиқарар ва илонларнинг урғочилари ўз жуфтларини ана шу ҳид орқали топиб олар эканлар.

Демак, жониворларни илоҳийлаштириш ва уларни аجدодлар ҳомийлигининг тимсоли деб қарашга асосланган мифологик тасаввурлар негизида илон култи келиб чиққан. Илон култи дунё халқларининг аксариятида мавжуд бўлиб, унинг мифологик қарашлар тизими сифатида шаклланган нисбатан мукаммал кўринишларидан бири ўзбек фольклори орқали етиб келган.

³ Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов.-Фрунзе, 1976.- С.28.

⁴ Кадыров А. Современный ислам в Средней Азии: его исторические основы и процесс преодоления. - М.: 1969.-С.250.